

---

## ДАНҒАРА ТУМАНИ ЧОДАКЛИК ҚИШЛОҒИДА ТАДБИРКОРЛАР МУАММОЛАРИ ЎРГАНИЛДИ.

Туман тадбиркорликни ривожлантиришга тұсқынлик қилаётган муаммоли масалаларни күриб чиқиш ва мавжуд бюрократик, шу жумладан, ер участкалари, бинолар ва кредитлар ажратиш, рухсат берувчи хужжатларни олиш масалаларидағи тұсиқларни бартараф этилишини таъминлаш мақсадида Данғара туман ҳокимининг биринчи ўринbosари А.Абдуллаев ҳамда туманидаги Баш вазир қабулхонаси мудири М.Холмирзаев билан ҳамкорликда Чодаклик қишлоғида сайёр қабул ўтказилди.

Қабулда 15 нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари ҳамда тадбиркор бўлиш истагидаги фуқаролар қатнашди. Қабул давомида кўтарилган масалаларнинг 10 дан ортиғи жойида хал этилди, қолган мурожаатлар муддат талаб қилганилиги боис ваколатли органлар томонидан ўрганиб чиқишлик учун назоратга олинди.

Шунингдек, Чодаклик қишлоғида тери маҳсулотлари қайта ишлаш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркор Собиров Ҳамидジョンнинг ишлаб чиқариш жараёни билан танишиб, тадбиркор ишлаб чиқариш фаолиятини аҳоли яшаш жойидан узоқроқ ҳудудга кўчириш бўйича қилган мурожаатига Чинобод қишлоғи ҳудудида жойлашган “e-auksion.uz” онлайн садога чиқарилган ер майдони таклиф этилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)

2021-02-10 17:57:13